

# Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги кимё саноат маҳсулотларининг 21-февраль санасидаги савдо якунлари

// 22 fevral 2024 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/birja20240221>

«Ўзқимёсаноат» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги ўз савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотлари савдосининг 2024 йил 21 февраль санасидаги якуни бўйича маълумотларни тақдим этади.



Жорий йилнинг 21 февраль куни «Ўзкимёсаноат» АЖ тизимидағи корхоналар томонидан Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали жами 6866,0 тонна 22 366,6 млн сўмлик минерал ўғитлар сотилди. Ўтган куни бу кўрсаткич юқори бўлган, яъни 20 февраль куни 24 828,7 млн сўмлик 7 281,4 тонна минерал ўғитлар сотилган.

Биржасавдоларига ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарылаётган аммиакли селитра, карбамид, сульфат аммоний, аммофос, ПС-Агро, калийли ўғитлар, суперфосфат азот-фосфорлы ўғит каби маҳсулотлар қўйилди. Савдога қўйилган минерал ўғитлардан аммиакли селитра энг кўп сотилган маҳсулот бўлиб, сотувнинг 38,8 фоизини ташкил этди.

Шунингдек, «Ўзкимёсаноат» АЖ тизимидағи корхоналар томонидан минерал ўғитлардан ташқари бугунги кун саноатида кенг құлланилаётган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорид, калсинацияланған сода, азот кислотаси ва суюқ кислород каби бир қатор кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар ҳам доимий равишида биржада савдоларига қўйиб борилади.

21 февраль куни жами 5 610,3 млн сүмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлар сотилди. Ўтган куни бу кўрсаткич паст бўлган, яъни 20 февраль куни 3868,7 млн сүмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлари

сотилган. Сотувнинг асосий қисмини, яъни 55 фоизини калстсиацияланган сода маҳсулоти ташкил этди.

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги «Ўзкимёсаноат» АЖ савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича барча маълумотларни [www.uzkimyosanoat.uz](http://www.uzkimyosanoat.uz) расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги <https://t.me/uzkimyosanoat> ва <https://www.facebook.com/uzkimyosanoat/> расмий саҳифалари орқали олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни етказиб бериш ва уларнинг сифат даражаси бўйича таклиф ва эътиrozларингиз бўлса, (78) 140-74-48 ишонч телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

**«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати**